

СИТУАТИВ БАҲОНИНГ НОВЕРБАЛ ВОСИТАЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

Ахмедов Ботиржон Равшанович

Андижон давлат чет тиллари институти, филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7881884>

Аннотация: Нутқий мулоқотда талаффуз, пауза, оҳанг, овоз бўёғи каби воситалар ёрдамида шахслардаги эмоционаллик юзага чиқади ва бу ҳолатлар нутқий жараёнда баҳо ифодаловчи восита бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: мулоқот, вербал, невербал, тафаккур, ижобий баҳо, нутқий вазият, талаффуз, пауза, оҳанг, ижтимоий муносабат.

ВЫРАЖЕНИЕ ЦИТАТИВНОЙ ОЦЕНКИ НЕВЕРБАЛЬНЫМИ СРЕДСТВАМИ

Аннотация: в разговорном общении с помощью таких средств, как произношение, пауза, тон, звуковая окраска, эмоциональность индивидов выходит на поверхность, и эти ситуации служат выразительным средством оценки в разговорном процессе.

Ключевые слова: коммуникация, вербальная, невербальная, созерцание, положительная оценка, речевая ситуация, произношение, пауза, тон, социальное отношение.

EXPRESSION OF THE SITUATIVE ASSESSMENT IN NON-VERBAL MEANS

Abstract: in colloquial communication, with the help of such tools as pronunciation, pause, tone, sound paint, emotionality in individuals comes to the surface, and these situations serve as an expressive means of assessment in the colloquial process.

Keywords: communication, verbal, nonverbal, contemplation, positive assessment, speech situation, pronunciation, pause, tone, social attitude.

КИРИШ

Нутқий вазиятда вербал ёки невербал воситаларнинг “карама-қарши маъно касб этиши, аввало, борликдаги нарса-ҳодисаларнинг азалий диалектик зиддиятдалиги сабаб киши тафаккур тарзининг ҳам дуалистик характерли эканлиги, қолаверса, кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларнинг ҳам карама-қаршиликлар асосига қурилгани ва бошқа бир қатор нолисоний, лисоний омиллар билан боғлиқ. Жумладан, кишиларнинг борликдаги нарса-ҳодисалар моҳиятини англаш ва фарқлай билиш даражаси, сўзнинг семантик тараққиёти, сўзловчининг коммуникатив-ситуатив мақсади ва нутқий вазиятдан келиб чиқиб сўзга қўшимча (субъектив) маъно юклаши кабиларни нолисоний омил сифатида”¹ кўрсатиш мумкин. Дарҳақиқат, нутқий вазиятда юзага чиқадиган субъектив муносабат маъновий кутбланишни ҳам намоён этади. Бундай кутбланиш лисоний воситалар билан биргаликда нолисоний воситаларда ҳам кузатилади. Хусусан, ижобий баҳоли невербал воситанинг салбий баҳода, салбий баҳоли невербал воситанинг ижобий ифода билан воқеланишига ҳам асосланади. Сўзловчи мулоқот жараёнида нафақат борликдаги нарса-ҳодисаларни атайди, балки ўзининг мулоқот предметига бўлган субъектив баҳосини ҳам билдиради.

Нутқий мулоқотда талаффуз, пауза, оҳанг, овоз бўёғи каби воситалар ёрдамида шахслардаги эмоционаллик юзага чиқади ва бу ҳолатлар нутқий жараёнда баҳо ифодаловчи

¹ Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. – Тошкент: Akademnasr, 2014. – Б. 44.

восита бўлиб хизмат қилади. Овозни меъёрдан пасайтириш ёки кучайтириш, тўхтамли ёки узлуксиз, йўғон ёхуд ингичка гапириш, оҳанг, тембр хусусиятлари, товушларни тўғри талаффуз қила олмаслик каби ҳолатлар нутқий мулоқотда баҳо ифодаловчи воситалардан саналади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Фонацион воситаларнинг фикр ифодалашдаги аҳамияти хусусида Г.В.Колшанский, А.А.Леонтьев, В.В.Богданов ва М.В.Давидов каби олимлар таъкидлаб ўтадилар². Е.Д.Поливанов эса сўзларнинг мазмуни, овоз тони, оҳангдорлигини ўз ичига олувчи товуш томони турли-туман ўзгаришлар асосида юзага чиқишини таъкидлайди³. Баҳо муносабатининг фонацион жиҳатдан ўрганила бошланиши, бу муомала жараёнининг ички тузилиши ўта мураккаб ва кўп аспектли эканини, унинг нутқий мулоқотда қатнашувчи кишиларнинг руҳий ҳолатига, ўзаро муносабатига, сўзлашув жараёни амалга ошаётган шароитга, миллати, ёши, жинси, дини, дунёқараши ва бошқа яна бир қатор омилларга боғлиқ эканини билдиради. Дарҳақиқат, нутқий мулоқотда мулоқот иштирокчиларининг жинси ҳам аҳамиятли ҳисобланиб, улар нутқининг фонетик ифодаси бевосита ўша нутқий вазиятга субъектив муносабат ифодалайди ва прагматик жиҳатдан турлича маъноларни акс эттиради. Шунинг учун мулоқот иштирокчиларининг нутқини тадқиқ этиш ва тўғри талқин этишда гендерологик ёндашув муҳим омиллардан саналади.

Оғзаки нутқда бундай усулда баҳо ифодалаш, нутқий вазиятга ҳамда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро шартномавий муносабатга боғлиқ бўлиб, нутқ ирод этувчининг овоз тони, оҳанги орқали сезилиб туради. Бадий асарларда эса ёзувчи персонажлар нутқини ёрқинроқ намоён этиш мақсадида унга изоҳ бериб боради. Масалан:

– *Ҳа, полвон, нима гап? – деди, лекин гап оҳангида кесатиқ ва қаҳр сезилиб турарди (Т.Тиллаев).* Юқоридаги мисолда эркак персонажнинг эркак персонажга салбий муносабати ифодаланган, буни гапда қўлланилган “*Ҳа, полвон*” ундалмаси кўрсатиб турибди. Чунки, эркаклар табиатидаги кўрселик, кўполлик каби ҳолатлар, кўпроқ уларнинг нутқида салбий характердаги овоз оҳангини шакллантиришга хизмат қилади. Нутқ сўзловчининг суҳбатдошига салбий баҳо муносабатини ойдинлаштириш мақсадида “*гап оҳангидан кесатиқ ва қаҳр сезилиб*” туришини баён этмоқда. Кесатишга мойиллик аёллар нутқида ҳам кузатилади, лекин қаҳр каби хусусият эркакларга хос ҳисобланади.

– *Унақа кесатиқ қилманг-да, акажон, – деди Марғуба. “акажон” сўзига атайин салбий маъно юклаб (А.Иброҳимов).* Гапдаги “*акажон*” лексемаси ижобийлик баҳосини рўёбга чиқариш учун хизмат қилувчи лексема бўлишига қарамай, талаффуз оҳанги унга салбий баҳо юкламоқда. Агар шу ўринда “*Унақа қилманг, акажон*” кўринишидаги бирлик берилганда эди, Марғубанинг илтимос қилиши, ялиниши сезилиб турар ва “*акажон*” сўзи маъно жиҳатидан ижобийлик баҳосини ифодалар эди. Ёзувчи Марғубанинг суҳбатдошига салбий муносабатини ёрқинроқ кўрсатишда “*кесатиқ*” сўзи ва *-да* юкламаси салбий баҳони келтириб чиқаришга ёндош восита сифатида қўлламоқда.

² Колшанский Г.В. Паралингвистика. – Москва: Наука, 1974. – С. 43; Богданов В.В. Функции вербальных компонентов в речевом общении // Языковое общение. – Калинин, 1987. – С.18; Давидов М.В. Паралингвистическая функция сверхсегментных средств английского языка в сопоставлении с русским: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1965.

³ Поливанов Е.Д. По поводу звуковых жестов японского языка // Статьи по общему языкознанию. – Москва, 1968. – С.296.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, фонацион новербал воситалар орқали баҳо муносабатининг юзага чиқишида товушнинг чўзиқ айтилиши ҳам аҳамиятли саналади. Товушнинг бундай талаффуз қилиниши аёлларга хос талаффуз меъёри ҳисобланади. Бадиий матнда ёзувчининг изоҳи ҳам баҳони ойдинлаштиришга қўмаклашиб келиши мумкин. Масалан:

– *Ваалайкум... Келинг-келинг, яхшимисиз, Гулчеҳра? – деди.*

– *Раҳма-а-ат... Олмониядан тўғри Урганчга самолётда келдингизми? – кулимсираб сўради Гулчеҳра.*

– *Й-йў-ўғ... Ашхобод... (Б.Худайбергенов).*

Раҳмат миннатдорчилик маъносини билдириб, ижобий баҳони юзага келтиради. Келтирилган мисолда эса а товушини чўзиқ талаффуз қилиш орқали *сен сўрамасанг ҳам яхшиман, индамасдан келиб олсангиз ҳам билиб оламан* каби маънолар ётади.

Эҳ! – деб юборди Сангин ўз ўйидан ўзи завқланиб (А.Мухтор). Келтирилган мисолда ижобий субъектив баҳо, яъни сўзловчининг завқ-шавқ, қувонч, шодлик ҳолати ифодаланмоқда. Қуйидаги мисолда эса салбий субъектив баҳо, афсусланиш, ачиниш, ўкинч ҳолати ифодаланган: *Эҳ, тортган азобларини гапириб берсалар, юракларингиз эзилиб кетади. Ўттам ака, адашиб қамалгандир-а, нима дейсиз? (Ў.Умарбек).*

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Демак, нутқий мулоқотда овоз тони, талаффуз темпи, урғу ва интонация баҳо ифодаловчи воситалар саналади. Улар эркактар ва аёллар нутқининг шаклланишида ва маълум прагматик мазмун ифодалашида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Жонли мулоқотда, фонацион воситалар орқали баҳо ифодаланиши бевосита амалга ошади, қандай баҳога ишора қилинаётгани эса ситуатив вазият билан боғлиқ бўлиб, сўзловчи ва тингловчи орасидаги ўзаро шартномавий муносабатлар асосида аён бўлади.

Муайян паралингвистик бирлик орқали ифодаланган маънолар ўртасидаги зидликни Ё.Одилов паралингвистик энантиосемия⁴ термини остида бирлаштиради. Масалан, бош ирғамок иборасининг “тасдиқламок” ва “инкор этмок” маъноларида намоён бўлиши: *Боя Матлуба имтиҳон топширганида бу одам йўқ эди, шунинг учунми, бошқами, Матлуба ийманиб кўз қирини ташлар экан, оқ сочили одам химия домласига “маъқул” деган маънода бош ирғаганини кўриб қолди (О.Ёқубов); – Ким ёзибди чақувни, билсам бўладими?... Ректор бош ирғади. – Буни ошкор қилолмайман (Ғ.Каримий).*

Бундан ташқари Ё.Одилов тадқиқотида **бош силкимок** – **маъқулламок** (ижобий баҳо) (*Эшқувватов тагин ўқитувчига тикилиб илжайди. Бош силкитиб: – Бўпти, – деди-да, ёзиб узатди, омборга борасиз. Кечикмай боринг (Ш.Холмирзаев)*), **инкор этмок** (салбий баҳо) (*Аҳмаднинг тили калмага келмай қолди, “йўқ” деган маънода бош силкитди (Т.Малик)*); **бош тебратмок** – **маъқулламок** (ижобий баҳо) (*Ўшанда неча марта киши юбориб чақиртирдим, бормадингиз, отангиз жавоб бермади... Зеби бош тебратди: – Ҳа, ҳа... билдим, билдим (Чўлпон)*), **инкор қилмок** (салбий баҳо) (*Барибир, ойим бош тебрат, қўшилмадилар: – Уларнинг орасида қанча эшитар қулоғи, айгоқчиси борикин? Уларам анойимасдир? (М.Мансур)*) каби маъноларни ифодалаб, адресантнинг субъектив муносабатини кўрсатишини таъкидлайди.

Кўз инсонга берилган беҳисоб хусусиятларга эга бўлган аъзо ҳисобланади. Ана шу аъзо орқали ҳам ўзаро муносабат билдириш имкониятига эга бўламиз. У ҳаракатлардаги

⁴ Қаранг: Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. – Тошкент: Akademnasr, 2014. – 288 б.

маънони қалб орқали ўқишимиз ёки сўзловчи изоҳлари орқалигина ҳис қилишимиз мумкин бўлади⁵. Чўлпон “Кеча ва кундуз” романида Хадичахон, Пошшахон ва Фазилатнинг суҳбати жараёнида Хадича ва Пошшахонларнинг кўз ҳаракатлари орқали кичик кундошлари Султонхонга муносабатини шундай усталик билан тасвирлаганки, уларнинг қалбидаги бор ҳис-туйғулари, орзу-истаклари кўз ҳаракатлари орқали ифода этилаётганини киши кўз ўнгидан намоён этади: *Иккала кундошнинг кўзлари бирданига, ўғил кўргангани хабар олган отанинг кўзларидай, равшан бир олов билан чарақлади*. Бу мисолда Чўлпон ўхшатиш орқали иккала кундошга ижобий баҳо бериш баҳонасида улар кўзларининг чарақлашлари Султонхонга салбий баҳоси эканлигини яширин тарзда кўрсатади. Ёки кўз ёрдамида бир-бирларига севинчли хабар беришлари, қутлашлари иккала катта кундошларнинг ўзаро муносабатларида ижобий баҳо маъносини ифода этса, шу билан бирга уларнинг Султонхонга яна салбий баҳосини ҳам намоён этмоқда. Лаҳза тасвири якунида икки кундошнинг ўша айёр кўзлари билан бир-бирларига қараши, қувонишлари орқали Султонхонга салбий баҳосининг ҳиди сезилиб турибди.

ХУЛОСА

Ҳар қандай новербал ҳаракатнинг ижобий ёки салбий мазмунга эга эканлиги бевосита нутқий вазиятда ойдинлашади. Масалан, қўлни кўксига, аниқроғи, тананинг юракка яқин қисмига қўйиш – бу самимий, яъни чин дилдан айтилаётган сўзларни ифодалаш учун ишлатилади. Аммо, бу ҳаракат салбийлик маъносини бериш учун ҳам ишлатилиши мумкин: *Бу гал ҳам икки қўлни кўксига қўйиб, Ўғилойга илтижо қилар экан, ўзича завқланиб ҳам қўйди (Ойгул Муҳаммад Жиян қизи)*. Келтирилган мисолда салбий муносабат баҳоси берилган⁶. Бу хулосага олиб келувчи асосни илтижо қилишлик даврида завқланиш ҳолати бўлмаслиги ҳам кўрсатиб турибди. Мантиқан олиб қаралганда ялинаётган, илтижо қилаётган кишида завқланиш хусусияти бўлмайди. Ушбу кўринишда икки қўлни кўксига қўйиб, “илтижо” қилган Қурбоновнинг Ўғилойга салбий муносабати баҳоси билан бирга ёзувчининг Қурбоновнинг ўзига ҳам салбий баҳоси яширин тарзда ифода этилмоқда. Чунки меъёрдан четга чиқиш баҳо бериш учун ишора бўлади. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, баҳо муносабати субъективликдан тўла ҳоли бўлолмайди.

Адабиётлар:

1. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Самарканд, 1993. – Б.105.
2. Выготский Л.С., Лурия А.Р. Этюды по истории поведения. – Москва, 1993. – С.93-95.
3. Тоирова Г. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2017. – Б.42.
4. Нурмонов.А. Танланган асарлар III жилдлик .Iжилд . Т.2012.- С.213.
5. Юшман Н.В. Экстранормальная фонетика. 1930-х гг. [49,165 с.]
6. Нурмонов.А. Танланган асарлар III жилдлик .IIжилд . Т.2012.- С.40.

⁵ Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 66.

⁶ Ахмедов Б. Паралингвистик воситаларнинг гендерологик ва прагматик тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Андижон, 2021. – 28 б.